O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил 27 февраль ШАНБА

№ 16 (12.236)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | **Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси** | www.th.uz

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг* *ФАРМОНИ*

## МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ИШЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Монополияга қарши ишларни тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш, рақобат муҳитини изчил ривожлантириш, табиий монополиялар корхоналари фаолиятини назорат қилишни кучайтириш ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан нархларнинг асоссиз оширилишига йўл қўймаслик, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ишларини фаоллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси этиб қайта ташкил қилинсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг асосий вазифалари ҳамда фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

монополияга қарши самарали сиёсатни амалга ошириш, монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисидаги ва табиий монополиялар ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш;

республикада рақобат муҳитини ривожлантириш, товарлар (хизматлар, ишлар) бозорларида, биринчи навбатда ички истеъмол бозорида ва реклама соҳасида ноинсоф рақобатга чек қўйиш, маҳаллий давлат бошқаруви ва давлат ҳокимияти органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик учун ҳуқуқий майдонни янада такомиллаштириш, жамоат тузилмалари билан чамбарчас мувофиқлаштирилган ҳолда истеъмолчиларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш;

иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолати ва рақобатбардошлигини чуқур таҳлил қилиш, хўжалик юритувчи субъектларни таркибий ўзгартириш ва уларнинг банкротлиги соҳасидаги функцияларни амалга ошириш, таркибий ўзгартириш, санация ва банкротлик масалаларини кўриб чиқишда давлат манфаатларини ифодалаш.

3. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

ўз ваколатлари доирасида давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, хўжалик юритувчи субъектларга ва уларнинг мансабдор шахсларига монополияга қарши қонун ҳужжатлари, табиий монополиялар ҳақидаги, банкротлик тўғрисидаги, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишларини тўхтатиш ёки уларнинг оқибатларини бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар бериш ҳамда берилган ёзма кўрсатмаларнинг бажарилишини назорат қилиш;

даъво ва ариза билан судга мурожаат қилиш, шунингдек, монополияга қарши қонун ҳужжатлари, табиий монополиялар, банкротлик, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қўлланиши ва бузилиши билан боғлиқ ишларни судда кўриб чиқишда қатнашиш;

хўжалик юритувчи субъектларга ва уларнинг мансабдор шахсларига, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мансабдор шахсларига қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда ва тартибда жарималар солиш;

истеъмолчиларнинг ўз ҳуқуқлари камситилганлиги тўғрисидаги ариза ва шикоятлари юзасидан корхоналар ва ташкилотларни (уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятидан ташқари) Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш Республика кенгаши билан келишган ҳолда текшириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлик субъектларининг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари уюшмасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин ва унинг зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарини модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашда, ушбу мақсадлар учун хорижий инвестициялар ва кредит ресурсларини кенг жалб этишда кўмаклашиш;

маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, кичик корхоналар томонидан ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошли бўлган маҳсулотларнинг янги турлари ишлаб чиқарилишини ўзлаштиришда ҳамда уларни жаҳон ва минтақа бозорларига киритишда кўмаклашиш;

уюшма таркибига кирадиган корхоналар ва ташкилотларга ахборот хизматлари кўрсатиш, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари учун кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари тақдим этиладиган даъволар юзасидан судларда кўриладиган ишлар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида"-ги 2005 йил 30 апрелдаги ПФ-3602-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2010 йил 26 февраль.




## КУРТАКЛАР КЎКЛАМ ИСИНИ ОЛДИ

**Чор-атрофда баҳор нафаси сезилиб, юртни янги кун – Наврўз шукуҳи кезадиган дамларга ҳам етдик. Сабзавоткорлар эртаки экинларни экишга киришганларига анча бўлди. Улардан сўнг боғбонлар ҳам боғ оралашни бошлаб юборишган. Чаққон фермерлар мевали дарахтларга шакл бериб бўлишди.**

Қибрай туманидаги Мусамуҳамедов номли агрофирма ишчи-хизматчилари ҳам боғлардаги мевали дарахтларга шакл беришга аллақачон киришган эдилар.

– 200 кишидан иш қолармиди, – дейди агрофирма раҳбари Ёркинжон Ҳайдаров ўзининг деҳқонча гапидан ўзи завқланиб. – Жамоамиз яхши уюшган. Дарахтларга ишлов беришда ҳеч қандай муаммо бўлмайди.

Бу айтишгагина осон. Аслида 750 гектар майдонда деҳқончилик ва боғдорчилик билан эплаб шуғулланишнинг ўзи бўлмайди. Агрофирма таркибида 44 та фермер хўжалиги бор. Уларнинг бир қисми 164 гектар майдондаги мевали боғ парвариши билан банд. Олмали боғ – 98 гектар. Асосан "Семеренка" ва "Голден" нав олма етиштирилади. 65 гектарли боғда олхўрининг "Лето", "Қирғиз гўзали", "Испан" каби навлари парвариш қилинади.

Агрофирманинг токзорлари 123 гектар. Соҳибкорлар "Баян ширей", "Талкевери", "Рекордстели", "Сопeрали" каби навларни парваришлаш ва мўл ҳосил етиштиришнинг ҳадисини олишган.

Сабзавоткорлар ўтган йили 1600 тонна сара маҳсулот етиштирдилар. Шунингдек, мева ва узум ҳосилдорлиги ҳам чакки эмас. Хусусан, 2009 йилда гектаридан 9 тонна узум, 6 тонна олма, 9,5 тонна олхўри олинди.

**СУРАТДА:** (чапдан) боғбон Хайриддин Ғиёсов билан фермер Ҳамидилла Тўрахўжаев мевали дарахтларга шакл бериш чоғида.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## ҒОЛИБЛАРГА КРЕДИТЛАР

**Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида "Оилавий тадбиркорликка кўмак" республика танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Ушбу танлов "Аёллар кенгаши" Республика жамоат бирлашмаси, "Меҳр нури" жамоат жамғармаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.**

Танловга қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик ва тикувчилик, миллий ҳунармандлик, сервис ва ижтимоий хизматлар каби йўналишлар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимиздан тақдим этилган лойиҳаларнинг 118 нафар муаллифи ғолиб деб топилди. Ғолибалар учун ажратиладиган микрокредитлар уларга ўз тадбиркорлик ишини бошлаш, кичик корхона ва цехлар барпо этиш имконини беради.

Тадбирда ғолиблар учун иқтисодиёт, молия соҳаси олимлари, етакчи мутахассислар ва экспертлар иштирокида тадбиркорлик режаси тузиш, бизнесни бошқариш, кредитлар билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш ва мустаҳкамлашга оид маҳорат сабоқлари, семинар-машғулотлар ўтказилди.

**ЎзА.**

## ҲАВАСКОР ФОТОСУРАТЧИЛАРНИНГ ВИЛОЯТ КЎРГАЗМАСИ

**Ўртачирчиқ туманидаги вилоят маънавият ва маърифат марказида Баркамол авлод йилига бағишланган ҳаваскор фотосуратчиларнинг кўргазмаси ташкил этилди.**

Бундан мақсад, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида иқтидорли ёшларнинг фаолияти кенг акс этган ижодий ишларни саралаш, шунингдек, вилоятнинг турли чеккаларида ижод қилаётган иқтидорли ёшларни кашф этишдир. Кўргазмада Оҳангарон шаҳридан ҳаваскор фотосуратчи Ҳусниддин Каримовнинг "Онасининг эркаси", "Маҳалламиз шаддодлари", "Биринчи синфга биринчи қадам", "Соғлом авлод – юрт таянчи" номли асарлари, Зангиота туманидан Адҳамжон Ҳамидуллаевнинг "Кошки эди осмонга учиб кетсам", "Устоз-шогирд" асарлари, Қуйичирчиқ туманидан Тоҳир Раҳматовнинг "Қишлоқ истеъдодлари", "Дўстобод ёшлари", "Бахтиёр болалик" ва Бекобод туманидан Султонали Деҳқонбоевнинг "Эзгулик", "Соғлом танда соғ ақл", "Қуёшли ўлка фарзандлари" номли асарлари низом шартларига лойиқ деб топилиб, муаллифлар танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Вилоят босқичи ғолиблари вилоят ҳокимлиги, маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази дипломлари билан тақдирландилар.

**Шохруҳ ҲАКИМОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**




### ТОШКЕНТ ТУМАНИ

#### НАМУНАЛИ ЎҚУВЧИЛАРГА МУКОФОТ

**Чувалачи қишлоғидаги 15-умумтаълим мактабида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.**

Унда энг намунали устоз ва энг аълочи ўқувчилар моддий рағбатлантирилди.

"Навоий миришкор" агрофирмаси фермерлари таъсис этган стипендияларни топширишга бағишланган тадбир 16-умумтаълим мактабида ҳам давом этди.

### ПИСКЕНТ ТУМАНИ

#### ДИЙДОР ШИРИН

**"Лола" кафесида 3-умумтаълим мактабининг фахрий устозлари ҳамда собиқ ўқувчилари иштирокида "Дийдор ширин" учрашуви ташкил этилди.**

Учрашувда фахрий муаллимлар мактаб хотираларидан сўзлаб бердилар. Мактаб ўқувчилари тайёрлаган бадиий дастур барчани хушнуд этди. Эстрадамизнинг таниқли юлдузлари ўзларининг шўх қўшиқлари билан тадбирга янада файз киритди.

### ЯНГИЙЎЛ ТУМАНИ

#### КОЛЛЕЖДА СУҲБАТ

**Технология-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида Ўзбекистон Либерал демократик партияси вилоят кенгаши ташаббуси билан давра суҳбати ўтказилди.**

Иштирокчилар Юртбошимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузасининг мазмун-моҳияти ҳақида атрофлича сўз юритдилар. Суҳбат давомида маърузадан келиб чиқадиган асосий вазифалар мазмунини кенг омма, айниқса, партия электорати бўлган тадбиркор, фермер ҳамда ёшларга етказиш зарурлиги таъкидланди.

### ҚУЙИЧИРЧИҚ ТУМАНИ

#### ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ЗАКОВАТИ

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежида "Заковат" интеллектуал ўйинининг ҳудудий финал босқичи бўлиб ўтди.**

Унда тумандаги агроиқтисодиёт, хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежларидан 100 дан ортиқ ёшлари иштирок этди. Биринчи ўринни қурилиш ва уй-жой коммунал касб-ҳунар коллежи ўқувчилари қўлга киритиб, вилоят босқичига йўлланма олдилар.

**Ирода МАҚСУД қизи.**

### ПАРТИЯЛАР ҲАЁТИДАН

## НИШБОШДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ КЕЧА

**"Адолат" социал-демократик партияси вилоят ташкилотидан сайланган вакиллар халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари доимий комиссиялари таркибида ижтимоий-сиёсий фаолият билан шуғулланиб, ислоҳотларни чуқурлаштириш, сайловолди учрашувларида кўтарилган масалаларни ҳал қилиш жараёнларида иштирок этишаётир.**

Халқ депутатлари вилоят кенгашидаги партия гуруҳи дастлабки қадам сифатида вилоят ҳокимига бошқарувда ошкоралик, очиқлик ва ҳисобдорлик тамойилларини таъминлашга қаратилган таклиф киритди. Ҳозир у ҳокимлик гуруҳ, бўлим ва бошқармалари томонидан ўрганиляпти.

Шунингдек, вилоят кенгаши депутати Зарифа Эралиева тоғли Нишбош қишлоғида бўлиб, ўз сайловчилари билан учрашди. "Эгаси бор уйнинг эртаси бор" мавзуида маданий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда Республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, "Адолат" социал-демократик партияси сиёсий кенгаши раиси И. Саифназаров, депутатлардан О. Юнусов, У. Жуманиёзов иштирок этишди. Тадбирга тайёргарлик ва уни ўтказиш давомида шу чекка қишлоқда яшовчи уч киши ишга жойлаштирилди. Салоҳиятли ёшлар вилоят партия ташкилоти ҳузуридаги "Истеъдод" клуби аъзолигига олинди. "Адолат" партияси сафига яқинда қабул қилинганларга партия билетлари топширилди.

Маънавий-маърифий тадбир шеърхонлик ва концерт билан якунланди.

**Юсуф ЖУМАЕВ.**

## ЯНГИ ТАРКИБ – КУЧ ДЕГАНИ

**Халқ демократик партияси вилоят кенгаши ҳузуридаги доимий ҳаракатдаги сиёсий семинарнинг навбатдаги машғулоти ўтказилди. Унда партия фаоллари, Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари, партиянинг "Фаол аёллар" ва "Истиқбол" ёшлар қанотлари етакчилари иштирок этишди. Ўқув машғулоти "Баркамол авлод йилида партия ташкилотларининг ўрни, роли ва вазифалари" мавзусига бағишланди.**

Партия вилоят кенгашининг раиси Сирожиддин Аъзамов Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг қўшма мажлисида илгари сурилган ғоялар муносабати билан партия фаоллари олдида турган вазифалар, Ўзбекистон ХДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Мухтасар Абдураҳмонова "Баркамол авлод йили" Давлат дастурини амалга оширишда партия ташкилотларининг ўрни ва вазифалари ҳақида маърузалар билан чиқишди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Саидвали Аҳмедов, Шавкат Турсунбоев ва Сенат аъзоси Ҳабибулла Каримовлар машғулотда кўриб чиқилаётган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Баркамол авлод йилида амалга ошириш мўлжалланган режалар ва долзарб ижтимоий муаммоларни қамраб олиши учун бу ишга партия фаоллари, "Фаол аёллар" ва "Истиқбол" ёшлар қанотлари вакилларини кенг жалб қилинаётир.

Партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари аҳоли, айниқса, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, шу тариқа жамият аъзоларининг даромадини янада ошириш ва турмуш фаровонлигини юксалтириш юзасидан белгиланган вазифаларни бажаришда фаол иштирок этишлари лозим.

Иштирокчилар, шунингдек, партия ташкилотчилари, фаоллар, тарғибот гуруҳлари электоратнинг сиёсий маданиятини юксалтириш, аҳолининг, хусусан, ёшларнинг мамлакатда авж олиб бораётган кенг кўламли бунёдкорлик ишларига дахлдорлик туйғуларини кучайтириш, сиёсий билимларини оширишда фаоллик кўрсатишлари лозимлиги хусусида ҳам манфаатдорлик билан фикр юритишди.

Машғулотнинг иккинчи қисми интерфаол усулда ташкил этилди. Иштирокчилар тўрт гуруҳга бўлиниб, Баркамол авлод йилида халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия гуруҳлари ҳал қилиши лозим бўлган ижтимоий масалаларни кўриб чиқиш услуб ва шакллари, партия электорати манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган саъй-ҳаракатларда ижроия ҳокимияти ва бошқа идоралар билан ҳамкорлик, ёшлар муаммоларини ҳал этишда "Истиқбол" ёшлар қанотининг ролини кучайтириш, ижтимоий муаммоларни ҳал этмаётган ташкилот, корхона ва муассасалар раҳбарлари билан ишлаш масалалари теварагида фикрлашиб олишди.

**Жўрабек МУРОДОВ.**



# ҲАМ КЎРГАЗМА, ҲАМ ТАЖРИБА

**Пискент ва Бўка туманларидаги 11 та коллежнинг 50 дан ортиқ фан ўқитувчилари Пискентдаги маиший хизмат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежида уюштирилган тадбирда иштирок этдилар.**

Унда махсус фанлардан дарс бериш жараёнлари ўрганилиб, ютуқ ва камчиликлар муҳокама қилинди. Шунингдек, 7 фан бўйича очиқ дарслар ташкил этилди. Ўқувчиларнинг компьютер сабоқларини қай даражада ўзлаштираётганликлари кузатилди.

– Бугунги тадбирни кўргазма десак ҳам бўлади, – дейди коллеж раҳбари Темур Азаматов. – Чунки, ўқувчилар амалий машғулотлар давомида ўз қўллари билан яратган санъат намуналари намойиш этилди.

Йиғилиш сўнгида ишлаб чиқариш ва металл кесувчи дастгоҳлар, физика фанига доир анжомлар намойиши ҳам бўлиб ўтди.

**СУРАТДА:** ўқитувчи Рафоат Эргашева ўқувчилар Нодира Ғаниева ва Саодат Холхўжаева билан навбатдаги суҳбатни ўтказмоқда.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ

# ҚЎЙИ ҚЎРАДА, ЕМИШИ ДАЛАДА

**Фермернинг уй-рўзғоридан, тирикчилигидан кўнгли тўқ бўлса, кўп вақтини даласида ўтказади. Биз ҳам қибрайлик Турсунмурод Қорабоевни қидириб аввал фермага бордик, у ердан топа олмагач, хўжалик аъзоларидан бири бизни далага бошлади. Фермер кенг далада ястаниб ётган буғдойзорни кўздан кечириб, кунлар илий бошлагани учун экинни озиқлантиришни мўлжаллаётган экан.**

– Дала ишларининг вақтида бажарилгани – мўл ҳосилга замин яратилгани, – дейди Т. Қорабоев. – Буни биз ўз фаолиятимиздан яхши биламиз.

У 30 йил қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб, катта тажриба орттиргани боис, бугун туманда кўзга кўринган фермерлардан бирига айланди. Фермерлик фаолиятини 2004 йили собиқ "Истиқлол" ширкат хўжалиги ҳудудидан 10 гектар ер олиб бошлаган эди. Аста-секин хўжалигини кенгайтириб, эндиликда 46,2 гектар ерда деҳқончилик қилмоқда. Ўтган йили 29 гектар ерга буғдой экиб, 45,3 центнердан ҳосил олди.

Ердан самарали фойдаланиш мақсадида буғдойдан бўшаган ерларда такрорий экин сифатида ош лавлаги, сабзи, карам, картошка етиштирилди. Фермер бу йил 16 гектарда буғдой, 10 гектарда маккажўхори, 10 гектарда беда, 6,2 гектарда сабзавот ва турли ошкўклар етиштиришни режалаштирган.

– Юртбошимизнинг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридан келиб чиқиб, чорвачиликни ҳам йўлга қўйдик, – дейди фермер. – Бу машаққатли жараён, чунки ҳар бир молга алоҳида парвариш зарур, ва албатта, катта тажриба талаб қилади. Мақсадимиз – аҳолининг сут ва гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришга муносиб ҳисса қўшиш. Ҳозир хўжалигимизда 38 бош қорамол, 83 бош қўй боқмоқдамиз. Наслдор молларни кўпайтириш, уларни тўйимли ва бошқа ширали озуқа билан таъминлаш учун озуқа экинлари парваришига зўр бераяпмиз.

Мол ва қўйларни етарли ем-хашак билан таъминлаш мақсадида маккажўхори, беда ва лавлаги экиляпти. Маккажўхори майдонлари ҳосилдан бўшагач, ўрнига помидор, бодринг, болгар қалампири, бақлажон ва тезпишар сабзавотлар экиш мўлжалланмоқда.

– Қорамолларимизнинг 18 боши соғин сигир, – дейди Т. Қорабоев. – Келгусида ўзимиз етиштираётган сут ва гўштни қайта ишлашни йўлга қўймоқчимиз.

Бундан ташқари, фермер балиқчиликни ривожлантириш мақсадида 3 та ҳовуз ташкил қилиб, сазан, дўнгпешона, оқ амур каби балиқ турларининг увилдириқларини парваришлашни бошлаб юборди.

**Нигора БОБОҚУЛОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

## ТРАНСПОРТ



**Юртбошимиз "Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак", дея кўп бора таъкидлаган. Шундай экан, юртимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ўзгариш ҳамда янгиланишларнинг замирида инсон ва унинг манфаатлари мужассам. Бунинг амалий ифодасини чекка-чекка қишлоқларимизда аҳолининг узоғини яқин, оғирини енгил қилаётган йўловчи транспорти ҳаракати йўлга қўйилганида ҳам яққол кўришимиз мумкин.**

# ЙЎЛОВЧИ ТАҚДИРИ ҲАЙДОВЧИ ҚЎЛИДА

Табиийки, йўловчи транспорти ҳаракатини тартибга солиш, улар иштирокида содир бўладиган нохуш ҳодисаларнинг олдини олиш, йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш учун тарғибот-ташвиқот ишларига жиддий эътибор қаратиш лозим. Бу борада Вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари фаолияти билан танишиш мақсадида техника назорати бўлими бошлиғи Дилмурод Шукуров билан суҳбатлашдик.

**– Вилоятда йўловчи ташувчи транспорт воситалари ҳаракатини тартибга солиш мақсадида қандай ишлар амалга оширилаяпти?**

– Ушбу масала юзасидан вилоятимизда Ўзбекистон ИИВ, давлат солиқ қўмитаси ва "Ўзавтодарётранс" агентлигининг буйруғи асосида махсус рейдлар ўтказилмоқда. Жумладан, ўтган йил давомида 425 та рейд уюштирилиб, 24120 та йўловчи ташувчи транспорт воситалари текширилди. Натижада 9740 та қоидабузарлик аниқланди. Хусусан, тегишли ҳужжатларсиз транспорт бошқариш, ЙҲХБ рухсатисиз қайта жиҳозлаганлик, йўналиш чизмаси бўлмаган, ҳайдовчиларнинг соғлиғи ва транспортнинг техник ҳолатини кунлик текширувдан ўтказмай йўловчи ташиш, йўл варақасисиз йўналишга чиқиш ва техник носоз транспорт воситасидан фойдаланиш каби қоида бузиш ҳолатлари кўпроқ кузатилди.

**– Айтингчи, йўловчи ташиш билан шуғулланувчи транспорт уюшмалари ҳайдовчилари қоидабузарликка йўл қўйса, уюшма раҳбарига ҳам чоралар кўриладими?**

– Ўтказилган тадбирлар давомида 1821 ҳайдовчи ва 86 раҳбар ходимга нисбатан маъмурий чоралар кўрилиб, тегишли ташкилотларга тақдимномалар киритдик. Профилактик тадбирларга қарамай, айрим йўловчи ташувчи транспорт воситалари ҳайдовчилари йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини бузишмоқда. Жумладан, Ангрен шаҳрида ўтказилган тадбирлар давомида шаҳардаги "Ангрен АТС" очиқ акциядорлик жамияти ҳайдовчиси А. Жўраев микроавтобусни ҳайдовчилик гувоҳномаси ёнида бўлмаган ҳолда, шу жамият ҳайдовчиси А. Жумақулов ортиқча йўловчи билан, "Йўловчи Автотех" масъулияти чекланган жамияти ҳайдовчиси С. Лагуев эса техник носоз ҳолда бошқарганлиги сабабли уларга нисбатан маъмурий баённомалар расмийлаштирилди.

**– Ҳозирги кунда қадимий шаҳарларимиздан Самарқанд, Бухоро, шунингдек кундан-кунга чирой очиб бораётган Тошкентга саёҳатлар уюштирилмоқда. Табиийки, бундай пайтда йўловчи транспортлари хизматидан фойдаланилади. Уларнинг техник ҳолати қандай назорат қилинади?**

– Оммавий ташиш, соғломлаштириш ва дам олиш масканларига олиб бориш, маданий саёҳатга чиқиш ва қайтиш бевосита давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари кузатувида бўлади.

Корхона, ташкилот, муассаса ходимларини, ўқув юртлари ўқувчилари ва маҳаллалар аҳолисининг саёҳат ва зиёратгоҳларга боришлари учун маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш комиссияларининг рухсати бўлиши лозим.

Оммавий ташишларга йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланиш учун барча тегишли ҳужжатлар, яъни лицензия, патент, шартномаси бўлган транспорт воситалари жалб этилади ва улар давлат йўл ҳаракати хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан техник кўрикдан ўтказилган бўлиши шарт.

Пировардида шуни таъкидлаш жоизки, вилоят ҳудудида йўловчи ташиш жараёнида ҳаракат хавфсизлигини тўла таъминлаш нафақат тегишли ташкилот, балки, барча ҳайдовчи ва йўловчиларга ҳам боғлиқ. Демак, доимо эътиборли, масъулиятли ва ҳамжиҳатликда иш кўришимиз зарур.

**"Тошкент ҳақиқати" мухбири Ирода НОРБОЕВА суҳбатлашди.**

**Кундалик ҳаётимизда компьютер технологияси имкониятлари шу қадар каттаки, бир зумда дунёнинг исталган нуқтаси билан интернет орқали боғланиб, хоҳлаган маълумотга эга бўлиш мумкин.**

# БАРЧАГА ТАНИШ ТАМҒА

Бугун бизга ана шундай имкониятни "Майкрософт" корпорацияси яратиб берди. У компьютер технологияларини дастурлар билан таъминлашда дунёда етакчи ҳисобланади.

Ҳозир жаҳоннинг 80 дан ортиқ давлатлари "Майкрософт" корпорацияси дастурларини сотиб олмоқда. Шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам унинг дастурларидан кенг фойдаланилаётир. "Тошкентда Майкрософт кунлари" форумида бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтилди.

Республика Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда "Майкрософт"нинг Марказий Осиёдаги вакиллари иштирок этдилар. Йиғилиш қатнашчилари ахборот технологияларининг бугунги имкониятлари ҳақида тўхталиб, корпорация билан ҳамкорлик алоқаларини янада изчил йўлга қўйиш лозимлигини таъкидлашди.

Форум доирасида матбуот анжумани ҳам бўлиб ўтди. Унда маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиб, ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

**Учқун ҲАМДАМОВ.**

# ЭЛЕКТРОМАГНИТ МАЙДОН ТАЪСИРИДА

**Аҳолининг тоза ичимлик сувга бўлган талабини қондириш билан боғлиқ муаммолар ечимини топишга қаратилган илмий изланишлар яхши натижа бермоқда.**

Тошкент ирригация ва мелиорация институти олимлари тадқиқотлари асосида артезиан қудуқлардан тортиб олинадиган сувни зарарсизлантириш технологияси яратилди. Паст частотали электромагнит майдони таъсирида ишлов беришнинг илғор усули республика инновацион ярмаркасида юқори баҳоланди.

Илғор технология аҳолининг бир қисми артезиан қудуқларидан сув ичадиган қишлоқ жойларида қўл келади.

**Акбар АЛИЕВ.**

# ШАРТНОМА – МУҚИМ ИШ КАФОЛАТИ

**Қуйичирчиқ туманидаги Навоий номли собиқ шоликор хўжалик тугатилиб, унинг негизида ташкил этилган "Шоликор" муқобил машина-трактор парки 14 та фермер хўжалигига хизмат кўрсатмоқда.**

23 кишидан иборат жамоа мавжуд техника воситаларини қиш ойларида мукаммал таъмирлаб, кўкламги иш мавсумига тайёрлаб қўйишни қатъий одат қилган.

5 та "Кейс" ва 3 та "Класс" русумли дон комбайни, 3 та МТЗ-80 чопиқ ва 2 та "Магнум" ҳайдов трактори таъмирдан чиқарилиб, бўяб қўйилди.

– Ўтган мавсумда 85 миллион сўм даромад олдик, – дейди жамоа раҳбари Амир Турсунов. – Гап шундаки, биз ҳудудимиздаги 14 та фермерга хизмат кўрсатиш билан кифояланаётганимиз йўқ. Ҳозир 18 та фермер хўжалиги билан 40 миллион сўмлик шартнома имзоладик.

**СУРАТДА:** созловчи Турсунбой Маймоқов таъмирдан чиқарилган сўнгги "Кейс" комбайнини яна бир бор кўздан кечирмоқда.



**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## XXI аср ва ДУНЁ

# ЗИДДИЯТ САБАБИ – «ҚОРА ОЛТИН»

**AFP ахборот агентлиги тарқатган хабарда Аргентина ташқи ишлар вазирлиги Буюк Британияни бир томонлама хатти-ҳаракатлардан тийилишга мажбур этишни сўраб БМТ Бош котиби Пан Ги Мунга мурожаат қилганлиги таъкидланган.**

Ташқи ишлар вазири Хорхе Таина Бош котибдан Лондонга БМТ Бош ассамблеяси ҳамда мустамлакаликдан озод этиш қўмитасининг аввалги қарорларига амал қилиш ва дарҳол мунозаралар курсисига ўтириш зарурлигини тушунтиришни илтимос қилган.

Лондон ўзининг БМТдаги вакили орқали Фолкленд ороллари Буюк Британияга қарашли эканлигини яна бир бор эслатди, шунингдек, бу ерда нефть қазиб олиш билан шуғулланиш ниятини билдирди. Ўз навбатида Аргентина ҳукумати мамлакатнинг 500 милли қирғоқбўйи йўлида юк ташиш тартибини кучайтирди. Бунга жавобан Британия флотни жанговар ҳолатга келтирди.

## ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

# «ЎЗБЕК ЖОСУСИ»НИНГ ИШИ

## ёхуд Тожикистон Республикаси махсус хизмати қандай қилиб мамлакат нуфузига путур етказаётгани ҳақида

Тожикистон Республикаси Сўғд туманидаги Чкаловск шаҳрида Ўзбекистон фуқароси Виссарион Николаевич Тен суд томонидан "ўзга давлат фойдасига жосуслик қилгани" учун 20 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Ўзбекистон геотехнология илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтининг 65 ёшли ходими учун бу умрбод қамоқ жазоси дегани аслида.

Бу нохуш воқеани фожиа дея баҳоласа ўринли бўлади. Ахир, бир бегуноҳ фуқаронинг чет эл корхонасининг тижоратга оид буюртмасининг ижрочиси сифатида ўз хизмат бурчини адо этгани учунгина бир умрга озодликдан маҳрум этилганини яна нима деб аташ мумкин?

Виссарион Николаевич иш учун зарур бўлган ҳужжатлар билан Тожикистондан қайтиб келаётганида чегарада ушланди. Қўшни мамлакатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳужжатлардаги ахборотни давлат сири деб ҳисобладилар. Агар ҳақиқатан ҳам шундай бўлса, бу шубҳали ҳужжатлар бизнинг ватандошимиз қўлига қандай қилиб тушиб қолди? Бунинг учун у айбдорми?

Назаримизда, бу саволларга аввало қаттиққўллик билан ҳукм чиқарган судьялар аниқ жавоб топишлари лозим эди. Биз ҳам жавоб излашга уриниб кўрамиз.

Тожикистоннинг "Востокредмет" давлат корхонаси раҳбарияти чет эллик шериклар билан ҳамкорликда кон саноати чиқиндиларини қайта ишлайдиган "Конверс-груп-Т" корхонасини ташкил этди. Ҳаммаси шундан бошланди. Тожикистон томони бизни ҳам давлат сирини ошкор этишда айбламасликлари учун гапни чуқурлаштириб ўтирмаймиз. Фақат шуни айтамизки, шериклар қайта ишлаш технологик жараёнини лойиҳалаштиришни "Ўзгеотехлити" илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтига ишониб топширишга қарор қилдилар ва Тожикистонга салоҳиятли мутахассисларни юбориш ҳақида ёзма илтимос билан чиқдилар. Шундай мутахассис сифатида институтнинг бош муҳандиси ўринбосари Виссарион Николаевич Тен танланди. У "Востокредмет" давлат корхонасига келиб, унинг раҳбарияти билан биргаликда керакли ҳужжатни тузди. Унга қуйидаги банд ҳам киритилди: "Томонлар биргаликда қилинаётган иш бўйича сир сақлаш тартибига риоя этиш ва эришилган келишувлар ҳақидаги маълумотларни учинчи шахсга бермаслик мажбуриятини олади". Кейинчалик ушбу ҳужжат "Востокредмет" ва "Ўзгеотехлити" раҳбарлари томонидан имзоланади. Аниқроқ қилиб айтганда, ҳаммаси рисоладагидек бажарилди. Томонлар ўзаро келишувга эришиш чоғида шартномани имзолашлари ва лойиҳани ишлаб чиқишга киришишлари лозим эди. Март ойига келиб, Тожикистон томони тафсилотларни муҳокама қилиш учун яна ўзбекистонлик мутахассисни таклиф этди. Виссарион Николаевич Тожикистонга борди, аммо... қайтиб келмади.

Афсуски, В. Тенни ушлашган пайтда унинг қўлида қандай ҳужжатлар бўлгани ҳақида аниқ маълумотга эга эмасмиз. Шу боис тажрибали ходим – "Ўзгеотехлити" институти бош мутахассиси Тоҳир Темировга мурожаат қилдик.

– Бу можаро ажабтовурлиги билан кишини таажжубга солади, – деди у. – Агар Виссарион Николаевичнинг қўлидаги ҳужжатлар "Востокредмет" корхонаси фаолиятига тааллуқли бўлса, биз учун ҳеч қандай сир йўқ. Гап шундаки, бизнинг институтимиз Москва илмий-тадқиқот ва лойиҳа институти филиали сифатида ўтган асрнинг ўрталаридаёқ ташкил этилган. Бизнинг асосий вазифамиз собиқ СССРнинг Ўрта машинасозлик вазирлигига қарашли тоғ-кон комбинатлари учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш эди. Ҳозир "Востокредмет" номи билан аталаётган Ленинобод тоғ-кимё комбинати ҳам шу жумлага киради. Шу боис институтимиз архивида ушбу корхонанинг барча ишлаб чиқариш-техник ва технологик тавсифлари бор. Яна қандайдир маълумотлар олишга уринишдан маъни йўқ. Агар ҳужжатларда янги ташкил этилган корхона ёки қайта ишланаётган хом ашё тавсифи ҳақида қўшимча маълумотлар бор бўлган бўлса, бу табиий ҳол. Зеро, ишлаб чиқариш жараёнлари ҳақида маълумотларга эга бўлмай туриб, технологик лойиҳани ишлаб чиқиб бўлмайди. Айнан шунинг учун ҳам акт-мақсад ҳужжатида қуйидаги алоҳида банд бор эди: "Буюртмачи институтга шлакни қайта ишлаш бино ва иншоотларининг ижро бош планини, ишлаб чиқаришнинг технологик тартибини, техник вазифасини тақдим этади. Унда ишлаб турган ва янги ўрнатилган ускуналарнинг техник тавсифи, муҳандислик тизими ва коммуникацияларга уланишнинг (электр энергияси, буғ, сув, қисилган ҳаво) техник шарт-шароитлари келтирилган бўлиши зарур". Шунингдек, ҳамкорликда қилинаётган иш бўйича сир сақлаш ҳақида олдиндан келишиб олинган эди. Шундай бўлгач, қандай қилиб беайб кишини 20 йилга қамаш мумкин? Ақл бовар қилмайди.

Дарвоқе, "ўзбек жосусининг иши" оқибатида Тожикистон фуқаролари ҳам жабр кўришди. Виссарион Николаевичдан сўнг "Востокредмет" директори Ш. Бобожонов, корхона ички хавфсизлик хизмати бошлиғи М. Зиёев, бош муҳандис А. Ботов, қурилиш бўлими бошлиғи А. Бобошин ҳам кетма-кет ҳибсга олиниб, узоқ муддатга қамаб юборилди. Кейинги икки кишига "Ватан хоини" сифатида 22 йилдан қамоқ муддати белгиланди.

В. Теннинг хизматдошлари бу фожиани жим кузатиб туролмасдилар, албатта. "Ўзгеотехлити" директорининг ўринбосари Миртемир Қурбоновнинг бизга маълум қилишича, институт раҳбарияти дарҳол Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, шунингдек, Тожикистоннинг мамлакатимиздаги элчихонасига ноҳақ қамалган ходимни озод этиш чораларини кўриш ҳақида мурожаат қилди.

Умид қиламизки, тез орада ҳақиқат қарор топиб, Виссарион Николаевич озодликка чиқади. Бироқ, у ва унинг ҳамкасблари энди тожикистонлик саноатчилар билан сира ҳамкорлик қилмасалар керак. Начора, айрим мамлакатлар шундай нохолис хатти-ҳаракатлари билан жаҳон ҳамжамияти олдида ўз обрў ва нуфузини йўқотади.

**Нодира ҚЎЛДОШЕВА. (Манба – "Центр-Азия").**

## СПОРТ

### ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

**Ўзбекистон кубоги соҳиби сифатида Осиё чемпионлар лигасида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси "С" гуруҳидаги биринчи тур учрашувида Бирлашган Араб Амирликларида "Ал-Айн" жамоаси меҳмони бўлди.**

"Пахтакор" бош мураббийи Миодраг Радулович танлаган тактика иккинчи бўлимда ўз самарасини берди. Рақибдан жисмоний, техник ва тактик тайёргарлик бўйича устунлигини намойиш этган ҳамюртларимиз бир-бирларига узоқ масофадан аниқ тўп ошириш орқали рақиб ҳимоясини ёриб ўтди. Олтмишинчи дақиқада Артур Геворкян аниқ зарба билан ҳисобни очди – 1:0.

Қолган дақиқаларда мезбонларга "Пахтакор" дарвозасини ишғол қилиш насиб этмади. Аксарият вазиятларда посбонимиз Темур Жўраев ишончли ўйнаб, дарвоза сари йўлланган барча зарбаларни моҳирлик билан қайтарди. "Пахтакор" сафар учрашувида зафар қучиб, "С" гуруҳида пешқадамга айланди.

### «БУНЁДКОР»НИНГ АЖОЙИБ ҒАЛАБАСИ

**Осиё чемпионлар лигасининг "В" гуруҳида иштирок этаётган Тошкентнинг "Бунёдкор" жамоаси дастлабки турда ўз майдонида Саудия Арабистонининг "Ал-Иттиҳод" жамоасини қабул қилди.**

"Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуаси стадионида бўлган беллашувда "Бунёдкор" футболчилари жорий мавсумдаги дастлабки расмий учрашувга пухта тайёргарлик кўрганини намойиш этди. Ўйинни кескин ҳужумлар билан бошлаган Луиз Фелипе Сколари шогирдлари учинчи дақиқадаёқ ҳисобни очди. Учрашувдаги биринчи гол бразилиялик Ривалдо ҳисобига ёзилди. Жасур Ҳасанов рақиб майдончаси ичида ҳимоячиларни доғда қолдириб, "Ал-Иттиҳод" дарвозасига иккинчи голни киритди.

Ўйиннинг иккинчи ярмида жамоанинг янги аъзоси Денилсон ўзбекистонлик мухлису мутахассисларни хушнуд этди. Тўпни боши билан "Ал-Иттиҳод" дарвозасига жойлаган бразилиялик легионер "Бунёдкор" сафидаги дастлабки учрашувида гол киритишга муваффақ бўлди. Ўйин 3:0 ҳисобида ўзбекистонлик чарм тўп усталари фойдасига ҳал бўлди ва уч очкони қўлга киритган "Бунёдкор" гуруҳда биринчи ўринни банд этди.

**ЎзА.**

## МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

### ФОРУМДА ЛОЙИҲА ВА ТАШАББУСЛАР

**Ёшлар ижод саройида "Ижтимоий лойиҳалар ва ташаббуслар интеграцияси" мавзусида форум ташкил этилди.**

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ташаббуси билан ўтказилган тадбирда давлат ва нодавлат ташкилотлар, таълим муассасалари, тиббиёт марказлари, маданият, санъат, таълим ва спорт соҳасидаги мутахассислар, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Кенг қамровли мазкур лойиҳада Фонд форум, "Аёллар кенгаши", Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, "Ҳаёт учун" аёллар жамияти, "Келажак овози", "Мерос" Ўзбекистон антикварлари уюшмаси, "Ижод" Ўзбекистон рассомлар, санъатшунослар ва халқ усталари уюшмаси, "Чемпионлар форуми" каби спорт мажмуалари томонидан амалга ошириб келинаётган ишлар хусусида батафсил маълумот берилди.

**"Туркистон-пресс".**

### «АБАДИЯТ ЧАРХИ» КАТТА ЭКРАНДА

**Республика Киночилар уйида "Ўзбеккино" Миллий агентлиги буюртмасига биноан "Ўзбекфильм" киностудиясида режиссёр Н. Аббосов томонидан суратга олинган "Абадият чархи" фильмининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.**

Мазкур фильмда урф-одат, анъана ва қадриятларни кўз қорачиғидай асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилган. Фильмда уста-ҳунарманд Фахриддин образини таниқли актёр Фахриддин Шамсиматов ижро этган. Хоразмлик бу йигитнинг ота-боболари ҳам кулолчилик билан шуғулланиб келган. Сулолани давом эттираётган Фахриддин бахтсиз ҳодиса туфайли турмуш ўртоғидан ажраб қолади. У ҳаётнинг турли зарбаларига дош бериб, икки фарзанди камоли йўлида меҳнат қилади. Фахриддинни мактабда тўгарак очиб, ўз ҳунарини ўқувчиларга ўргатиш учун таклиф қилишади. Бу ерда у кулолчилик сир-асрорларини ёшларга ўргатади. Унга бу борада яқиндан ёрдам берган мактаб ўқитувчиси образини актриса Лола Элтоева маҳорат билан ижро этган.

Фильмдаги ҳар бир диалогда ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилган. Оилада, кўчада бўладиган муомала маданияти актёрлар томонидан маҳорат билан очиб берилганки, унда ўзбекона лутф, ҳаё, ибо каби фазилатлар мужассам.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА, "Туркистон-пресс".**

## ОДАМИЙЛИК ШЕВАСИ



### УЛУҒИМСИЗ, УСТОЗИМ

Ҳаётий тажрибалар одамлар орасига кирган онингданоқ ортиб бораверар экан. Мен ўша даврага киргач, одамлар ҳақидаги фикрларим ўзгарди.

Сочларига оқ оралаган нурли сиймони кўрмаганимга анча бўлибди. Зимдан соғинч тўла нигоҳимни унга тикаман. Кўзларида порлаб турган ҳаяжон, мактабни аълога тамомлаган ўқувчиларга қувонч билан тикиладиган афиф нигоҳлар ўша-ўша. Биз бирор нарсадан хафа бўлсак, дарров куюнчаклик билан бағрига босган, онамиз сингари меҳр билан овутган, жажжи қўлларимиздан тутиб, биринчи марта ҳарф ёздирган заҳматкаш қўллар ўша-ўша. Фақат бу кўзлар остидаги ажинлар кўпайган, қалин қора сочлар энди оқарган. Умрининг энг асл дамларини шу илм масканига бахшида этган, баъзан гўдакларини қўлида кўтариб келиб, ўқувчилари ташвишида елиб-югурган бу аёл сиймоси бизни ҳамиша ўзига тортиб келган. Ўз касбини жондан севган азиз устознинг қувватдан кетиб, анчайин кексайиб қолганини кўриб юрагимиз увишди.

Инсонни унинг меҳнати юзага чиқаради. Опа неча йиллар шу мактаб ва ёш авлод равнақи учун тер тўкди. Энди эса шу даргоҳга келиб, давраларнинг тўридан жой олиш ўрнига, лоқайд кимсаларнинг беписанд нигоҳлари қаршисида ўксиниб турибди. Унинг маъюс кўзлари, маъноли нигоҳларидан буни уқиб олиш қийин эмас. Анови ёш ва виқорли раҳбар аёл ҳам шу муаллиманинг қўлида таҳсил олган эди, аммо ҳозир бу ҳақиқатни тан олгиси келмагандек, тўрга ўтиб, йиғилганларга фидойилик ҳақида ваъз ўқияпти.

Эсиз... Унга таълим берган мактаб раҳбари ҳам ҳайрону лол қолганча, камтарона калом билан бир-икки оғиз маънили сўз айтди-ю, даврадан чекинди. Кекса муаллимамиз бўлса, ўзи етиштирган "ёш уддабурон"ларга термулганча, бир чеккада дунёнинг ғалати ишларига лол қолиб ўтирибди. Аслида давранинг тўри ана шу заҳматкаш аёлники эди. Мен унинг маъюс кўзларига боқиб, дунёи дуннинг бевафолигидан ранжидим. Устоз бу даргоҳга ҳурмат талаб қилиб келмаганди. У биз, собиқ ўқувчиларининг дийдорини кўриш илинжида ва ўзи ҳозиргача фаоллик қилаётган маҳалланинг кам таъминланган болаларига совғалар улашиш учун келганди.

Бу манзара тадбирнинг иккинчи қисмида ҳам давом этди. Мана бу жавлон уриб нотиқлик қилаётган аёлни шаҳардаги қайсидир мактабга раҳбар этиб тайинлашганига кўп бўлмаган. Мактабда баҳоли қудрат ўқир, ўйинқароққина эди. Не тонгки, бугун устозлар олдида заррача ийманмай, тўла қоматини кўз-кўз қилиб ўтириши собиқ синфдошларни таажжубга солди...

Устоз ҳам шу шогирдига тикилганча, ҳайрону лол. Ҳаммадан илгари нотиқлик қилаётган аёлга ийманибгина қараб қолди. Аслида даврани очиш ҳуқуқи унга тегишли эди. Ахир, у бундан йигирма беш йил аввалгидек, даврадагилар учун азизу мукаррам! Ўттиз беш йил аввал уларни таълим масканида қандай очиқ чеҳра билан кутиб олган бўлса, ҳозир булар ҳам уни шундай самимият билан алқашлари лозим эмасми?

Биз мўътабар устозларни қадрлаб, улар кўринди дегунча, ҳурмат билан ўзимизни четга тортар, ҳузурларида бош эгиб турардик. Афсус, бугун, ҳатто, мактаб раҳбарига кўзини лўқ қилганча, гап қайтариб турадиган айрим болаларни кўриб, ҳайратга тушамиз, дилимизни ҳадик чулғайди. Уларга тўғри йўлни, яъни "устоз-шогирд" ўртасидаги мунаввар йўлнинг қонун-қоидаларини кўрсатиш кераклигини ҳис этиб юрагимиз увишади. Тўғри, ҳурмат талаб қилиб олинмайди, аммо устознинг отадек улуғлигини унутиб қўйиш ҳам гумроҳлик. Ҳар бир устознинг ўгити олтинга тенг. Назаримда, ҳеч қайси устоз шогирдини эгри йўлга бошламайди. Ҳеч қайси даврда устознинг мақоми бойлик билан ўлчанмайди. Устоз деган муқаддас унвон умрибоқийдир ва устоз-шогирд орасида таъма ётмайди. Аксинча, фахру ифтихор, ҳурмат-эътибор муҳим.

Ёшлар орасида истеъдодлилари кўп, улар бугун юртимизни жаҳонга танитишмоқда. Техника асрининг ўта тараққийлашган даврида улар эришаётган ютуқлар бизни ҳаяжонга солади. Қанийди, шундай ёшлар кўпаяверса! Аммо шу ерда бир ҳақиқат – ёшларнинг улуғларга ҳурматини чуқурлаштириш ҳақида ўйлаб қолдим. Улар ҳар қанча билимли бўлишмасин, катталарни эъзозлашлари керак. Шундагина ўз қадр-қимматларини йўқотмайдилар. Зеро, инсоннинг энг ёрқин безаги – камтарлик. Энг буюк унвон – муносиб шогирдлик. Бошқача қилиб айтганда, аждодларга муносиб авлод бўлиш.

Ҳар сафар шу ҳақда ўйлаганимда мунису меҳрибон устозим кўз олдимга келади. Биз уларни ҳамон соғинамиз, кўргимиз, дардлашгимиз, қувончларимизни баҳам кўргимиз келади. Устознинг азиз номлари ҳеч қачон сўнмайди. Шогирдлар орасида устоз меҳнатини оқлаганлар бисёр. Шундай экан, устозларнинг хайрли ишлари ҳамиша бардавом ва улар доимо шогирдлар ардоғида.

**Нигора ШОФАЙЗИЕВА.**

## ДАРВОҚЕ



### ЭГАСИНИНГ ВАФОДОРИ

Қайси даврада от ҳақида гап кетса, жон қулоғим билан тинглайман. Ёшлигимда отга жуда қизиқиб, теварак-атрофдаги кўпкари, улоқларнинг бирontaсидан қолмасдим. Кейинчалик турмуш ташвишлари билан бўлиб, бу ҳавасни унута бошладим. Бунинг устига одамлар тўй қилса, кўпкари ўрнига Тошкентдан ёш-ёш хонандаларни олиб келиб, ер тепкилаб, ҳаммани рақс тушишга ўргатиб қўйишди. Лекин, барибир онда-сонда от билан боғлиқ воқеалар суҳбатларда айланиб қолади.

Яқинда ёнимга иш билан келган бир одам гап орасида қўл, оёқ ва белим оғришини эшитиб, "от минг, ака, давоси отда" деб қолди. Шу гап баҳона суҳбатимиз от ҳақидаги воқеаларга боғланиб кетди.

– Сизга отам билан боғлиқ бир воқеани гапириб берсам вақтингизни олмайманми, – дея гап бошлади у.

Отамнинг айтишларича, болалигиданоқ отга қизиқар, ўзи чопмаса ҳам кўпкарига зотдор отларни тайёрлар экан. Улоққа борганида энг зўр чавандозлар отамнинг отига талабгор эди. Ҳар бир кўпкаридан отам ё битта гилам, ё битта қўй олиб келарди. Мен отам ўзи чопмаса, нега соврин олиб келади, деб ўйлардим. Кейин билсам, отнинг ҳақи бор экан.

Бир куни эрта саҳарда отни эгарлаб, чиққан отам онамга, "Эгизқорада (қишлоқнинг номи) катта кўпкари бўлади. Икки-уч кун ўша ёқда қолиб кетаман", деди. Отамнинг ҳамма жойда дўстлари борлигини билганимиз учун бу гап бизга етарли эди, яъни ҳамма ўзининг ишини билиб қилсин, дегани.

Орадан уч кун ўтди. Пешин чоғи уйимиз олдида от кишнади. Ўйладимки, отам кўпкаридан қайтди, ўзи ҳозир отни етаклаб кириб келади. Лекин от кишнашдан қолмади. Кўчага чиқсак, отам йўқ, от эса депсиниб, бир оёғи билан ерни тирнарди. Жиловидан ушлаб, қанча уйга тортмайлик, орқага тисарилаверди. Билдикки, отамга бир нарса бўлган. Дарров отга миниб, жиловини бўш қўйдим.

Орадан ярим соатлар ўтиб, икки сой оралиғига етиб бордик. Қарасам, отам бир чуқурча ичида инграб ётибди. Нима бўлганини сўрадим.

– Олдимиздан бўри боласи чиқиб қолди, от ҳуркиб кетиб, устидан анови тошга белим билан тушдим. От аввал елкамдан тортиб, чиқармоқчи бўлди, бўлмади. Кейин қаергадир чопиб кетди, уйга борган эканда, жонивор, – деди отам жойидан кўзғала олмай.

Ҳар қанча уринмай, отамни отга миндиролмадим. Ортга қайтиб, акаларимни чақириб келдим, хуллас бир амаллаб уйга етказдик.

Уч ой даволанди, лекин бели ҳеч тузалмади. Бир куни отам мени чақириб:

– Болам, мени отга миндириб қўй, – деса бўладими. Кўнмадим. Уч кун шу сўзни такрорлайверди. Охири авайлаб отга миндириб, ҳовлини айлантирдик. Бу ҳар куни такрорланиб, кейинчалик отга ўзи минадиган бўлди.

Ойлар ўтиб, отам ҳам тузалди, отни эса дунёдаги энг азиз кишимиздай авайлай бошладик. Шу от бўлмаганида, отамнинг дарагини тополмай, айрилиб қолармидик...

У ҳикоясини тугатди. Аммо вафодор отнинг сурату сийрати кўз олдимдан кетмас эди. Вафодорликда баъзи бир одамлардан анча устун кўринди у менга.

**Ҳамид НОРҚУЛОВ.**

## BOLALIK BOG`I

### SABOQ

Nigora shirinliklarni juda yaxshi ko`radi. Onasi:

– Qizim, bularni kamroq yegin. Aks holda tishlaringga zarari tegishi mumkin, – desa ham Nigora konfetu shokoladlardan o`zini tiya olmaydi.

Bir kuni quyosh yoyilib ketsa ham u xonadan chiqavermadi. Xolida singlisining yotog`iga kirsa, u choyshabga o`ralganicha hiqillab yotibdi.

– Nigora, tong otdi, – dedi opasi. – Tur, maktabingga kech qolayapsan.

– Opajon, o`qishga borolmayman. Tuni bilan tishlarim og`rib chiqdi, – dedi Nigora alamdan yuzlarini burishtirib.

– Tez turib, nonushtaga chiq, – dedi opa. – Keyin seni shifokorga olib boraman.

Buni eshitib, Nigora yig`lab yubordi.

– Yig`lama, doktor tishlaringni davolaydi, og`riqdan qutilasan.

Nigora yuz-qo`llarini yuvib, nonushta qilib oldi. So`ng opasi bilan shifokor huzuriga borishdi. U Nigoraning tishlarini ko`rib:

– Shirinlikka obdon o`ch ekansan-da, qizim? – dedida, qurt yegan tishlarni tozalab, davoladi.

– Tishlaringni asra, oppoq qizim, – dedi eshikka kuzatib qo`yayotib.

Nigoraning tishlari endi og`rimay qoldi. Chunki, bo`lib o`tgan voqea unga saboq bo`ldi. Endi shokolad va konfetlarga ko`zi tushsa, teskari qarab oladi.

**Zulfiya SATTOROVA, Zangiota tumanidagi 15-maktabning 6-sinf o`quvchisi.**

Михаил Зощенко

### АНТИҚА УСУЛ

(Ҳажвия)



Дунёда не-не каллали одамлар бор-а! Яқинда ана шундайлардан бири – Фёдор Алексеевич Кульков бюрократизмга қарши антиқа усул ўйлаб топди. Яна денг, бу усулнинг арзонлиги-ю, таъсирлилигини айтмайсизми! Аслида-ку, Фёдор Алексеевич ўз ихтироси учун чет элдан патент олиши керак эди, аммо хорижга чиқишга унинг вақти йўқ. Негаки, бечора ҳозир ўша янги усули учун ҳам жазо олиб ўтирибди. Начора, ўзинг пайғамбар бўлмаганингдан кейин кўрган кунинг шу экан-да...

Кульковнинг усули қанақайди, дейсизми? Қулоқ солинг. Гап шундаки, Кульков битта мартабали маҳкамага иши тушиб, сарсон бўлди. Қатнагандаям кунни канда қилмай, бораверди. Барибир фойдаси бўлмади. Маҳкамадагилар Кульковни кўриб, ит келдими, одам келдими демади. Жуда одамгарчиликлари тутиб кетса, Фёдор Алексеевични қаватма-қават югуртириб, овора қилишади, "Эрта келинг" билан сийлашади, илло, унинг "дело"сини топиб беришмайди.

Албатта, бир ҳисобда ҳалиги идорадаги бойваччаларга ҳам осон тутиб бўлмайди. Улар ҳам ғалванинг уясида ўтиришибди. Бу тўраларнинг олдига ҳар куни юз одам бемаъни савол билан кириб, тинкаларини қуритиши мумкин. Шунақа шароитда ишлагандан кейин беихтиёр асабларинг бўшашиб, қўрслик қила бошлайсан киши. Аммо бизнинг Кульковимиз мана шу ҳақиқатни тушунишни истамас, чунки унинг сабр-косаси тўлган эди.

Бир куни Фёдор Алексеевич ўзича аҳд қилиб қўйди: "Бугун ишим битса-битди, бўлмаса ёмонликка ўтаман. Индамасам, булар мени яна кўп овора қиладиганга ўхшайди. Ҳозир кираман-у, идорадагилардан бирортасини ёқасидан бўғиб, тумшуғига тушираман. Зора шундан кейин ишларим юришиб кетса".

Кульков ҳар эҳтимолга қарши операцияни пастки қаватдан бошламоқчи бўлди. "Жанжал вақтида битта-яримтаси деразадан отиб юборса, унчалик шикаст емасман" деди-ю, ғоз юриш қилиб, хонама-хона кеза кетди. Қараса, шундоқ рўпарасида ўрта ёшлардаги бир бюрократ ўтирибди. Ёқалари оппоқ. Бўйнида галстук. Чиннидай кийиниб олган. Бир чақалик иш қилмай, без бўлиб ўтирибди. Яна денг оёқларини чалиштириб олган, лабларини пирпиратиб, секин ҳуштак чалади-ю, оёғини ликиллатиб қўяди. Фёдор Кульковга, айниқса, бюрократнинг оёғини ликиллатиб ўтиргани ёқмади. "Бу ер давлатнинг катта бир идораси бўлса, – деди у хуноби ошиб, – ана, ҳаммаёққа портретлар осиб ташланибди, стол-стуллар, қатор-қатор китоблар тахлаб қўйилибди. Мана бу нусха эса, ҳалол меҳнат қилиш ўрнига безбетларча оёғини ликиллатиб, ҳуштак чалиб ўтирибди. Бу бориб турган ҳақоратнинг ўзгинаси-ку?!"

Фёдор Алексеевич бюрократга анча вақт тикилиб турди. Борган сари унинг жаҳли қўзиб, ўзини тутолмайдиган даражага етди. Кейин секин яқинлашди-ю, қулочини кериб туриб, унинг башарасига битта туширди.

Бюрократ ўмбалоқ ошиб, стулдан ағдарилди. Тинмағур оёқлари ҳам ликилламай қолди. Фақат оғзини тўлдириб сўкина бошлади. Кульков қочиб кетмасин, деб тўрт томондан бюрократлар ёпирилиб келдилар. Жабрланувчи эса, ерда ётиб минғилларди:

– Мен бу ерга... иш билан келувдим. Эрталабдан бери туз тотганим йўқ. Оч қоринга, яна давлат маҳкамасида мушт билан сийлаб турсалар... Йўқ, узрлар айтиб, илтимос қиламанким, бунақа лутфу карамларга унчалик ҳушим йўқ...

Фёдор Алексеевич ажабланиб елка қисди:

– Ўртоқлар, мен бу кишини бюрократ, деб ўйлабман. Ўзимдай арзчи эканини билмабман. Бўлмаса, худо ҳаққи, мушт кўтармасдим.

Бошқалар бақиришга тушди:

– Ундоғу бундоқ, дарҳол Кульковнинг "дело"си топилсин!

Ҳалиги калтак еган бечора ҳам ялинди:

– Нимага муштумзўрга бунчалик имтиёз берилади? Калтакни етим еб, ҳолвани ҳоким ер экан-да? Менинг ишимниям тўғрилаб беришсин, илтимос. Фамилиям Обрезкин.

Хўжайинлар тағин буйруқ беришди:

– Ундоғу мундоқ, тезда ўртоқ Обрезкиннинг "делоси" ҳам топилсин!

Обрезкин ирғиб турди-ю, гул-гул очилиб, Кульковнинг қўлларини қисди.

– Башарамга туширганингиз учун сизга минг раҳмат! Шунча сарсон бўлувдим, сиз туфайли мушкулим осонлашди. Сиздан ўла-ўлгунимча миннатдорман.

Дарров протокол ёзишга киришдилар, унгача Кульковнинг "делоси"ни топиб келишди-ю, бир пасда ишини тўғрилаб беришди.

Жабрланувчига дедилар:

– Йигитча, сиз адашибсиз. Сизга социал таъминот бўлими керак эди, бу ер бошқа идора.

Адашган йигит хуноб бўлди:

– Ўртоқлар, бу қандай бедодлик, ахир?! Мен бошқа идорага келган бўлсам, нега энди таёқ ейишим керак? Унда, "фалон куни фалон жойда ўртоқ Обрезкиннинг тумшуғини уриб буздилар", деб хат беришсин.

Албатта, Обрезкинга бунақа хат беришдан бош тортдилар. Бунга жавобан у Кульков билан ёқалашиб кетди. Бюрократлар икки жанжалкашни ажрим қилиб, Обрезкинни кўчага итариб чиқаришди.

Кульков эса, майда безорилиги учун икки ҳафта ўтириб чиқди. Аммо у хафа бўлгани йўқ. Аксинча, уруш-жанжал билан бўлса-да, ишини битириб олганидан оғзи қулоғида.

**Саъдулла СИЁЕВ таржимаси.**

## Кулганга нима етсин...

### Ўзингмисан, хотин?

Ресторанда ўтирган аёлни бир эркак ўпиб олиб, кечирим сўрай кетибди:

– Кечирасиз, хотинимга жуда ўхшар экансиз, шунга билмасдан...

– Аҳмоқ, қариб қуюлмаган, алкаш! – деб жазавага тушиб, жаврай кетибди аёл.

– Ие, вей! – дермиш эркак ҳаяжон билан. - Жаврашлариям худди хотинимнинг ўзи-я! Ё ўзингмисан, хотин?..

## РАССОМ ХАНДАСИ




ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир Жўра САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи Нигора БОБОҚУЛОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-140. Адади 13000. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 2 3 4 5